

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН — СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркменистоннинг ташқи сиёсати бета-рафлик, тинчликсеварлик, яхши қўшничилик тамойилларига қурилган.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳам изчил ҳамкорлик қилинмоқда.

Мамлакатларимизнинг қўшни Афғонистонда фақат сиёсий йўл билан барқарорлик ўрнатилиши борасидаги фикри ҳам муштарак эканлиги тасдиқланди. Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирилди. Унда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш, товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан Туркменистонга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл буюмлар ва турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен

полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги, уни кенгайтириш учун иқтисодиёт тармоқларидаги имкониятларни яна бир бор таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳукуматлараро тadbирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 2016 йилнинг сентябрь ва шу йил январь ойларида Тошкентда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлараро комиссиясининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазиёсини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Ўмон халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи доирасида очилган Амурда устида қурилган автомобиль ва темир йўл кўприклари мазкур транспорт йўлагининг муҳим қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир.

Музокарада ҳамкорлигининг янги йўналишларини ишга солиш, савдо-иқтисодий алоқалар қамровини кенгайтириш, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантиришга келишиб олинди.

Трансчегаравий дарёлардан оқилонга фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндалари, спортчилари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказилган турли концертлар, фестивал ва кўргазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. 2016 йил сентябрда Туркменистонда ўзбек киноси кунлари, ноябрда мамлакатимизда Туркменистон маданияти кунлари ўтказилди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. «Буюк ипак йўли» лойиҳаси доирасида ўзаро боғланган саёҳатлар ташқи этилмоқда.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалмоқда. Икки мамлакат олимлари қишлоқ хўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда биргаликда изланишлар олиб бормоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов Қўшма баённоти, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолалар. Тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018-2020 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017-2019 йилларда мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017-2018 йилларда ташқи ишлар

вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Хоразм вилояти билан Дашовуз вилояти, Бухоро вилояти билан Лебап вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиклик, ўзаро англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Берdimухамедовга мамлакатимизда яқинда чоп этилган Махтумқулнинг «Элини бахш айла» деб номланган китобини совға қилди. Туркменистон Президенти китоб энг яхши туғфа эканини таъкидлаб, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Халқаро Ахалтеки отлари мажмуаси билан танишдилар. Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди.

Президентимиз Туркменистон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди. Фахрий меҳмонлар хизбонига қўчат ўтқазди. Бу хизбонга Биринчи Президентимиз Ислон Каримов 2007 йилда қўчат ўтқазган эди.

Давлатимиз раҳбари Сапармурат Ниёзов мақбарасига гул қўйди. Ўтганларнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотиға муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва барқарор авлодни вояға етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларға ўрнак бўлиб келатган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофоти» тасдиқ этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»-ги Фармониға асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло ҳули, ноёб истеъдоди, заққолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидаги

алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатға мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 14 та мукофот ўрниға 2017 йил учун истисно тарикасида Қорақалпоғистон Республикасининг 2 нафар, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 нафардан вакилаларига — жами 15 та мукофот берилиши белгилансин.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларға 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамиға бағишлаб ўтказилган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва қўқрак нишонлари топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бириға энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигиға Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасиға юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 3 мартдаги ПК-2815-сонли қарориға илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Караматдинова Айжамал Женис қизи — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Отжоновна Ғўзал Азамат қизи — Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Тоштемирова Илтижохон Валишер қизи — Андижон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Идиева Азиза Журабек қизи — Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Абдураққова Нигина Абдуҳақ қизи — Жиззах санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Неъматова Ўғиллой Акрам қизи — Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Қамолова Дилноза Самариддинова — Навоий вилояти Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хўнар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Муҳаммаджонова Севинч Иброҳимали қизи — Наманган вилояти Чуст спорт коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Ўроқова Дилдора Акмалжон қизи — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Шербекова Нозимабону Нурмуҳаммад қизи — Сирдарё вилояти Бойвут қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Темирова Шаҳрибону Бахтиёр қизи — Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Рахматова Дилноза Бақир қизи — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Қурбонова Муштарийбегим Бахтиёржон қизи — Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси

Машарипова Рухсара Олимжоновна — Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси

Турсунқулова Нигора Акмал қизи — Тошкент шаҳри Миробод энгил санъат ва сервис касб-хўнар коллежининг 3-босқич ўқувчиси



ОИЛА ҚАРОҒБОНИ, ЖАМИЯТ КЎРКИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбирда иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини ушбу айём билан табрикларди.

Давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 15 қизға ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Тошкент шаҳри Миробод энгил санъат ва сервис касб-хўнар коллежи ўқувчиси, 2016 йилги Олимпиядаи ўринлар иштирокчиси Нигора Турсунқулова, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Айжамал Караматдинова хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда қатнашган онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари тўқин дастурхон атрофида суҳбат қурди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Икбол Мирзо, Махмуд Тоир, Сирожиiddин Сайид оналарға, аёлларға бағишланган шеърларидан ўқиди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика

Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аёлларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, қобилият ва интилишларини рўйбга чиқариш борасида амалға оширилаётган кенг қўламли ишлар ошқар самаралар бераётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони ушбу тузилма ишни такомиллаштириш, аёллар ҳаётидаги ролини ошириш, маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, соғлом оилаларни шакллантиришда муҳим омил бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хўнар коллежлари битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятиға кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида ҳам хотин-қизлар масаласиға алоҳида эътибор қаратилган.

— Ушбу байрам тадбириға ййилган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган хотин-қизлар

юзида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, — деди Хоразм вилояти Урганч туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ойгул Давлетжоновна. — Бу уларнинг ҳаётдан розилиги, фарзандлари қамолани кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

— Президентимиз халқимиз саломатлиги, маҳаллалар осяиш-талигиға катта эътибор қаратмоқда, — деди Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳридаги «Намозгоҳ» маҳалла фуқаролар ййгинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура Муродова. — Давлатимиз раҳбарининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони зиммасиға янада масъулиятли вазифалар юклди. Шу мақсадда таълим, тиббиёт, ижтимоий муҳофаза ва банк соҳаси вакиллари, тадбиркорлардан иборат ишчи ғуруҳ тузиб, Президентимиз таъкидлаганидек, уйма-уй юриб, одамларнинг муаммо ва талабларини ўрганмоқдамиз, масалаларни жойида ҳал қилмоқдамиз. Бундай мулоқот халқимизнинг кайфиятини кўтармоқда, ҳаётға муносабатини ўзгартирмоқда.

Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

Баҳор ҳам, аёл ҳам гўзаллик, нафосат ифодасидир.

АЁЛ — ЖАМИЯТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

Бу ҳақиқат «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови республика босқичида яна бир бора намоён бўлди

Бугун қай бир соҳага қараманг, хотин-қизларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини кўрасиз. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ҳаётий аҳамиятга эга. «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови шу мақсадда ўтказиб келинмоқда. Мазкур танловда 2015 йилдан бери 3 минг нафарга яқин опа-сингилларимиз иштирок этди.

Тошкент шаҳрида 3-4 март кунлари танловнинг якуний — республика босқичи кўтаринки руҳда ўтказилди.

Танловнинг биринчи кун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган 14 нафар иштирокчи «Қонуларимиз ҳаётимиз асосидир», «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартлари бўйича ўз билимини синовдан ўтказди.

«Қонуларимиз ҳаётимиз асосидир» шартда иштирокчилар партиямиз электорати манфаатларига дахлдор бўлган қонуларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунириб берди. Шу билан бирга, уларни партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини ҳам билдиришди.

«Сиёсий ҳозиржавоблик» шартда иштирокчилар учун ҳам, аудитория учун ҳам қизиқarli бўлди. Катнашчилар Конституциямиз, сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, Олий Мажлис палаталари ва партиямиз Сайловолди дастури, дунё тарихидаги машҳур сиёсатчи аёллар ҳақидаги ранг-баранг саволларга жавоб беришди.

Қорақалпоғистонлик иштирокчи Замира Алланиязова, хоразмлик Санобар Бекжонова, сирдарёлик Нозима Тўрақуллова саволларга аниқ ва батафсил жавоб берди.

— Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди андижонлик иштирокчи Дилноза Хошимова. — Партиямизнинг Сайловолди дастурида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Партиямиз тизимида ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов ана шу мақсадларга хизмат қилади, деб ўйлайман.

«Сиёсий ҳозиржавоблик» шартда бунга яна бир бор амин бўлдим. Тайёргарлик жараёнида хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қўллаб қонун ҳужжатларини чуқур ўргандим. Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишдим. Шу маънода, танлов бизга катта мактаб бўлди, десам, адашмайман.

Танловнинг иккинчи кун «Лойиҳа тақдими» шартда ўтказилди ва ғолиблар аниқланди. Иштирокчилар бирин-кетин ўз лойиҳаларининг мазмун-моҳияти билан таништириди. Ҳар бир лойиҳа партиямиз электорати манфаатларига қаратилгани, ҳаётий масалалар кўтарилгани билан аҳамиятли бўлди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда хотин-қизларни жамият ҳаётига фаол жалб қилишга қаратилган қўллаб қўллаш лойиҳалар тақдим этилди. Улар амалиётга татбиқ қилинса, юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

...Хаяжонли дақиқалар бошланди. Ҳакамлар ҳайъати умумий балларни эълон қилди. Унга кўра, бухоролик Соҳиба Файзуллаева учинчи ўринни қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин фарғоналик Санобар Ўзбековага насиб этди. Тошкент шаҳри иштирокчиси Нилуфар Собиржонова энг юқори балл билан танлов ғолиби, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли, деб топилди.

Қолган иштирокчилар «Энг фаол ва иқтидорли сиёсатчи», «Энг фаол ҳуқуқ билимдони», «Энг самарали ижтимоий лойиҳа», «Энг яхши нотик», «Энг ташаббускор иштирокчи» каби номинациялар бўйича тақдирланди.

Ғолиб ва совриндорларга ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев диплом ҳамда эсдалик совғаларини топширди. Барчани 8-март — Халқаро хотин-қизлар кун байрами билан қутлади.

Бундай беллашувларнинг аҳамияти ким нечани ўринни олгани билан ўлчанмайди. Муҳими, танловнинг барча босқичларида мамлакатимиз бўйлаб юзлаб хотин-қизларимизнинг иштирок этгани, шу орқали билими юксалгани, фикри, дунёқараши ўзгаргани, деб ўйлаймиз.

Катнашчилар ўз қараш, ислохотларга муносабати ва мустақил фикрига эга. Шу боис опа-сингилларимизнинг юракдан айтган гапларини борица баён қиламиз.



Раҳима ЙЎЛДОШЕВА,
(Наманган вилояти):

— Бу йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон мафаатлари йили, деб эълон қилиниши энг аввало хотин-қизларни хурсанд



Нилуфар
СОБИРЖОНОВА,
«ЎзХДПнинг энг фаол
аёли» кўрик танлови
ғолиби
(Тошкент шаҳри):

— Тўғриси, жуда хаяжондам. Саҳнада ғолиб бўлганим эълон қилинганда, ҳаёлимдан танловга тайёрланиш жараёнилари



Санобар ҚИПЧАҚОВА,
(Самарқанд вилояти):



Соҳиба
ФАЙЗУЛЛАЕВА,
«ЎзХДПнинг энг фаол
аёли» кўрик танлови
учинчи ўрин соҳибаси
(Бухоро вилояти):

— Тўғриси айтсам, танловга келишдан аввал роса уйландим. Биринчидан, уйимдан, фарзандларимдан олисда бўлмаганман. Ундан кейин, оила аъзоларимнинг фикри қандай бўларкин, деган хавотирда эдим. Бу



Гулшан
АСАТОВА,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши сектор
мудир:

қилди. Чунки жойларда ижтимоий муаммо бўлса, бунинг асосий жабрини аёллар тортади. Электр энергияси ёки табиий газ йўқ бўлса, тиббий ва маиший хизматлар яхши йўлга қўйилмаса, буларнинг барчаси биринчи навбатда аёлларга қийинчилик туғдиради, деб ўйлайман. Сабаби, аёл оиланинг юраги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мулоқотларда опа-сингилларимизни ўйлантириб келаятган саволлар бериларди, масалалар ҳал этилган.

Тўғриси айтиш керак, туманимиз ҳокими, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларини деярли танимас эдик. Уларга бирор-бир муаммони айтиш, юзма-юз мулоқот қилишнинг имкони борлигига ишонмасдик. Улар халқдан узокроқдек туюларди. Эндиликда нафақат туман раҳбарлари, балки парламент аъзолари ҳам

бирма-бир ўтди. Ҳар кун сиёсий партия вакиллари, депутатлар билан ҳамфикр бўлдим. Билмаганларимни сўраб ўргандим, партия фаоли сифатида улар билан елкама-елка туриб ишладим. Сиёсий билимим мустаҳкамланди, хотин-қизларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқдим. Бугун буларнинг барчаси менга асқотди.

Мен ўқитувчиман. Нафақат фарзандимнинг тарбияси учун, балки ўқувчиларим, маҳалла-қўй олдида ҳам масъулман. Коллежимиз ўқувчиларининг ақсариёти қисмини қизлар ташкил этади. Келажакда улар касб-хўнар эгаллаб, жамиятнинг фаол аъзоси бўлиши учун биз ҳар томонлама ўрнак, намуна бўлишимиз керак. Бундай танловларга опа-сингилларимизни кўпроқ жалб қилсак, уларнинг фаоллигини оширишга катта ҳисса қўшган бўламиз.

— Танловга тайёргарлик жараёнида дўсту дугоналар орттирганимдан хурсандман.

Паррандачилик билан шугулланиш лойиҳасини ишлаб чиқдим. Қонуларни шарҳлаш ва тақлиф бериш учун пенсия жамғармаси мутахассислари билан ҳамкорликда ишладим. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунни атрофича ўрганиб чиқдим. Аҳолини қийнаётган муаммолар билан қизиқдим. Маълумотларга кўра, қонуннинг 32- ва 37-моддалари бўйича фуқаролардан бир йилда 1847 музрожаат тушган. Урганганларимдан келиб чиқиб, таклифлар тайёрладим.

Оиламга келсак, уч нафар фарзандим

ерга келиб, ҳечам афсусланмадим. Танловда кўрганларим, ўрганганларим ўзгача бир оламдек туюлди.

Масалан, танловга тайёрланиш жараёнида қўллаб сиёсий адабиётларни ўқидим, сиёсий партиялар нашрларини мунтазам кузатиб бордим. Айтиш мумкинки, ҳаётга қарашим ўзгарди.

Аёллар бирор нарсани мақсад қилса, бирор ишга қўл урса, унинг оила аъзолари, турмуш ўртоғи қўллаб-қувватласа, олам гулистон бўлар экан, деган хулосага келдим. Истагим, барча эркаклар ўз аёлига ҳар ишда мададкор, елкадош бўлсин. Ана шунда аёллар бахтли бўлади, жамият янада тараққий этади.

Менга қолса, танловнинг ҳар бир иштирокчисини ғолиб, деб атаган бўлардим. Чунки уларда ўз устиди ишлаш, изланиш ва иқтидорини намойиш этишга ирода мужассам. Танловда ўрганганларимиз ўзимизга бўлган ишончини оширди.



Саида КАРИМОВА,
(Сурхондарё вилояти):

— Танловда катнашишдан олдин менда ҳам иккиланиш, ҳадик бор эди. «Нима қиласан? Қўй шу танловингни...» дегувчилар ҳам бўлди. Лекин мен омадимни синаб кўришга қарор қилдим ва бундан мамнунман.

Хотин-қизларнинг вазифаси

биз билан мулоқотга киришарди. Авваллари ҳокимият биносига озчилик одамни йиғиб, асосан бюджет ташкилотиди ишлайдиганлар билан учрашув ўтказилар эди. Уй бекалари, оддий кишилар дардини тинглайдиган одам тополмай қийналарди. Ҳозир эса уйма-уй юриб, уларни эшитишарди. Бу катта аҳамиятга эга.

Депутатлар томоркамиз билан танишишди ва бизни қийнаётган муаммолар билан қизиқшди. Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги овозгарчилик, таъмагирлик ҳолатларига дуч келаятганимизни айтдик. Хуллас, қўллаб қўллаб музрожаатларимизни ҳал этишга ёрдам беришди. Ана шунда мулоқотлар нақадар зарур эканини тушундим. Танлов давомида юртимизнинг барча худудларидан келган опа-сингилларимизнинг ҳам шу фикрда эканини эшитиб, хурсанд бўлдим.

бола тарбияси, уй юмушларидан иборат, деб ўйлайдиган одам янглишади. Аёл кишининг ҳам ўз орзу-умидлари бор. Уларни қадрлаш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш муҳим аҳамиятга эга.


Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Бугун ҳар бир оила ёш қизларга ва келинларга тўғри йўл кўрсатиши, билмаганини ўргатиши, мададкор бўлиши керак. Шунда улар ҳаётдан рози бўлиб, орзу-хаваслари учун интилиб яшайди. Ўзимнинг мисолида айтадиган бўлсам, бугун оиламга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак берайман. Фарзандларимнинг келажиги учун ғамхўрлик қилайман. Оилада ўз фикрим, ўз ўрним бор. Имкон топиб, ҳар бир аёл хунарли бўлиб, ишлагани маъқул. Ана шунда оилалар янада мустаҳкам бўлади.



Аёл — энг аввало она



Аёл — депутат



Аёл — олимпиа



Аёл — ўқитувчи



Аёл — спортчи



Аёл — шифокор



Аёл — осойишталик посбони.

Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Буюклар
аёллар
ҳақида

Аёлларга имкон қадар
илиқ муомалада бўлишга
ҳаракат қилдим.

Амир ТЕМУР

Аёл деганда, кўз олдимиз-
да, аввало, оқ сут бериб, бар-
чамизни ўз бағрида асраб-
авайлаб вояга етказадиган,
бутун ҳаётини фарзандига
бахшида этадиган дунёдаги
энг муқаддас зот — она сий-
моси намоян бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Онангдан бош товлама,
ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур
оёгин гарди.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Яхши одамлар кўпайсин
десангиз, яхши оналарни
кўпайтиринг.

Жан ПОЛЬ

ТАҲСИН ВА ТАЪЗИМ

Баҳорнинг илк байрами — Халқаро хотин-қизлар куни баҳонасида кўклам фаслидан минг бора кўркам, меҳри офтобдан минг чандон ҳароратли, ҳусни-жамоли ойдан минг бора гўзал аёл шатнига энг сара сўзларни қоғозга туширмоққа жазм этдим-у, лекин бунинг уддасидан чиқишга тасаввур оламин торлик, тафаккур қудратим ожизлик, сўз бойлигим камлик, қаламим мўртлик қилишини сезиб қолдим.

Тўғриси, башариётнинг ибтидосидан бери аёл зотининг ҳусни-латофати, назокатию малоҳати тавсифланган, куйланган шеър, қўшиқ, достон, қасида ва мадҳиялар шу қадар беададки, ушбу дил зорлари ва дил изҳорлари китоб шаклида жамланса, уларни бағрига сиғдирадиган кутубхона бу ҳақда топилмайд.

Аёл — Оллоҳ таоло томонидан яратилган мўъжизаларнинг мўъжизаси, унинг қалди-қомати ва чеҳрасида дунёдаги барча гўзал гулларнинг ранги, чиройи, жозибаси, таровати, қалбида тўрт фаслнинг сифати — баҳорнинг сеҳри, ёзнинг меҳри, кўзнинг маъсумлиги, қишнинг маҳзунлиги мужассам. Осмоннинг бағри кенглиги, юлдузларнинг табассуми, шабаниннинг нафислиги, чашманиннинг тиниклиги, шабнамнинг поклиги, шаршаранин хандаси унинг сийратига илоҳий нур бўлиб синган.

Аёл тимсолини кўз олдинга келтирмоқчи бўлсанг, қиёфасининг ранг-баранг товланишидан кўзинг қамашиб, бошинг айланади: эркалансанг — бутун борлигини бахшида этадиган меҳрибон буving, кўзининг қорачиқидан

бармоғининг учигача меҳр сочадиган онанг, «укажоним» деганда тилидан бол томадиган мунис опақонинг, жисминга жонини қоқиб берадиган ардоқли амманг-у хо-ланг, эркалатсанг — қўллари бўйинингга нурдек чирмашидиган, сени тоғдай таянчи, чинордек суянчи, деб биладиган эрка синглинг, нафаси дилингдаги гўбурларни бир зумда аритадиган, сени ёруғ оламдаги энг оқил, энг доно, энг баходир, энг дарёдил инсон, деб биладиган суюкли қизинг, севсанг — нозиккина битта жонини мингга айлантириб, сенинг фарзандларинг пойига поёндоздек тўшайдиган вафодор ёринг, умр йўлларида садокатли ҳамроҳинг... Чунки олмоснинг минг бир қирраси, аёл феълнинг юз минг жилоси бор.

Менинг назаримда ушбу азиз инсонларнинг сифатларини маромига етказиб таърифлаш учун дунёнинг сўз хазинаси, меҳр-муҳаббати эвазига тўлагани оламнинг бойлиги етмайди.

Хусусан, Аёл зотининг дағи фазилатларини кўз олдимизга келтириб кўрсак, таърифига тилимиз лол қолади.

Оналик туйғуси аёл зотининг зуваласига қўшилиб қорилган илоҳий бир фазилатдир. У ҳали норасидалик чоғидаёқ ички бир туйғу билан ўзини она, деб ҳис этади, меҳрини жонсиз кўйи-чоққа бахшида этиб, сеҳргарга айланади. Уни жисман тирилтира олмас-да, руҳан жон ато этиб, тилга киритади, авайлаб-авраб уйғотади, сўзлатади, қулдиради, йиғлатади, аразлатади, ардоқлаб ухлатади... Шу тарзда ўзини ҳақиқий оналикка тайёрлаб боради.

Ҳақиқий онанинг ҳар бир фарзандини тўққиз ой юрагининг тағида авайлаб-асраб юргани, ширин ва юксак орзулар қанотида холсизликка, чарқоққа, турли хил дардларга бардош бергани, чақалоғини соғ-омон қўлга олганда, гўдаги илк бор қулганда, тилга кирганда, қадам босганда кўнглидан кечирган ҳис-туйғуларни — қувончи, шукронасининг ўзи бир достон.

Шу кезде ҳаёлга бир қиёс келади: узоқ ва нотаниш илҳарга сафарга борганда, илк марта дуч келиб, ҳушмуомалалик билан йўл кўрсатган нотаниш кишини кўп вақтлар миннатдорлик билан эслаб юрамиз.

Ёруғ ва нотаниш дунёга келганимизда бизни чеҳрасида гул-гул табассум билан ҳароратли бағрига олган, энг лазиз сўзлар билан эркалаган, сўт эмас, оппоқ нур оқиб турган сийнаси билан катта ҳаётини илк бор хабардор қилган сиймонинг хизмати эса бир умр қошида қўл қовуштириб, бош эгиб туришга арзигулиқдир.

Тунлари бешигимиз қошида парвона бўлиб, қуш уйқуси билан яшайдиган, салгина йўталсак, кўкси узилиб тушадиган, умрида шеър тўкишни ўйламай туриб, фарзандига меҳри туйғуси шоирага айланиб, ой нури, юлдузлар ёғдусига йўғрилган аллалар куйлаган, фарзанди оёққа тургунча барча юмушларни миннат билан эмас, миннатдорлик билан адо этадиган бу меҳрибон инсоннинг олижаноблиги, ҳиммати ҳеч бир таъриф-тавсифга бўй бермайди. Унинг фарзандларга меҳри шу қадар баландки, уларнинг ташвишида саранжом-саришта бекага, шафқатли шифокорга, меҳрибон тарбиячига, моҳир пазандага, чевар тикувчига айланиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Онанинг ўзи биттаю, юраги нечта экан, деб ўйлайман гоҳида. Бойси, ҳар битта фарзанди билан битта юраги қўшилиб кўчага чиқади, ҳаётнинг эгри-бугри йўлларида, гўшаларида нажот фаршасидек уни авайлаб, ардоқлаб, ҳимоя қилиб юради, бир жуфт кўзи ўнга айланиб, ҳар бир фарзандининг ортидан кетади. Ўзининг бир жонини бериб фарзандларига тегадиган шамолларга қалқон, ёмғир-қорларга соябон, ёмон сўзларга қарши посбон қиладиган матонатли ва фидойи инсон ҳам айнан Онадир.

Аёл зотини бекорга фаршашга қийинлашмайди. Чунки унинг ўзи инсон тимсолидаги нур, туйғулар нур, ўй-фикрлари нур, орзу умидлари нур. Унинг кўксига юрак ўрнида қўйш парчаси ёнади. Сабабики, аёл аёл зоти азалдан ёвуз фикрлардан, разил ўйлардан, қабих

туйғулардан йироқда яшайди. Орзулагани, тилагани — элга, оиласига, тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, бахт-саодат...

Оналик — аёлнинг энг улуғ мартабаси.

Фарзандларни дунёга келтириб, оналик уновонига сазовор бўлган ҳар бир аёл муқаддас, ҳар бир аёл улуғ. У ўзининг бугунги ҳаёт олдидаги эмас, олис келажақ олдидаги бурчини ҳам шараф билан бажарган табарруқ зотдир.

Ўзбек аёллари она сифатида эришган мақомига кўра, дунёдаги энг улуғ зотлар қаторида туради. Чунки ўзбек оналарининг инсоният олдида алоҳида хизматлари бор. Бу баландпарвоз гап эмас, аслар оша нурланиб турган ҳаёт ҳақиқати.

Диёримизнинг доврўғини минг йиллардан бери жаҳонга таратиб келаётган Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари машҳур олиму шоирларнинг фан ва маданият олдидаги беқиёс қисми, тенгсиз шон-шухрати, энг аввало уларни дунёга келтирган, тарбиялаган маърифатли, оқила, олимпиа оналарининг хизмати мевасидир.

Эл-юртини, Ватанини, халқини улуғ бир муҳаббат билан севган ва бу севгини сути ила фарзандининг қони-га сингдирган, кўринишда мўъминаю маъсума, аслида эса юрагида шернинг қудрати, бургутнинг шиддати, яширинган оналарнинг алласи Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури, Бобур Мирзо сингари ўзбек диёрининг жасур

ҳимоячиларини — беқиёс саркардаю беназир арбобларни элга тортиқ этди.

Сурати ва сийрати илоҳий нур билан йўғрилган, ҳалоллик ва покликнинг намунаси, ҳаё ва ибонинг тимсоли бўлган оналар тўққан Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Имом Мотуридидий, Абдуҳалик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Бурхониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Валийдек табарруқ сиймолар бутун ислом оламининг фахри-ифтихориридир.

Буюк зотлар ҳар доим ҳам туғилавермайди, аммо уларни шу юксак мақомга она юрти, она халқи кўтаради.

Неча минг йиллардан буён элнинг қорини тўқ, устунни бут қилиб келаётган, боғ-роғлар яратаётган, беназир шаҳарларни бунёд этган, йўллар курган, каналлар қазиб, чўлларга сув чиқарган, аҳли юрт соғлиғини муҳофаза қилиб, болаларини тарбиялаб келаётган миллионлаб инсонларнинг тинимсиз меҳнати, хизмати туйғуси Ўзбекистон гуллаб-яшнаб, даврининг турфа хил синовлари ва инкирозларидан соғ-омон чиқиб келаяпти ва буюк келажаги сари собитқадамлик билан борапти.

Зеро, мана шу меҳнаткаш, мард, танти, бағри ҳам қўли ҳам очик, иймони бутун ўзбек халқи мўътабар ва муқаррам оналаримизнинг зуррийдидир. Мана шунинг учун ҳам улар шайнига ҳар қанча таҳсин айтсак, бошимиз ерга теккунча таъзим қилсак арзийди.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

Фуқароларнинг тадбиркорлик билан
шуғулланишлари кенг имкониятлар яратиш
мақсадида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан
қуйидаги йўналишлардаги лойиҳаларга
имтиёзли кредитлар тақлиф этилади:

- чорвачилик ва қуёнчилик ташкил этиш учун;
- асаларчилик ва балиқчилик ташкил қилиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхоналар ташкил этишга;
- хунармандчилик, касаначилик ва тикувчиликни ривожлантиришга;
- маиший хизмат ва пойабзал тузатиш устaxonаси ташкил этишга;
- новвойхона, миллий ширинликлар ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш хизмати ташкил қилиш учун;
- маиший техникаларни тузатиш устaxonаси ташкил этишга;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва автомобилларни ювиш шохобчаси ташкил қилиш учун;
- компьютер хизматлари кўрсатиш учун.

Биз билан бирга ўз бизнесингизни йўлга
қўйинг ва ривожлантиринг!

Мурожаат учун: (+99871) 150-93-39,
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Қутлов



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

барча аёлларимизни, меҳрибон
ва гўзал опа-сингилларимизни

8 МАРТ — ХАЛҚАРО
ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

муносабати билан
муборакбод этади!

Қир-адирлар, боғ-роғлар
яшил либосга бурканаётган
шу кунлар қувончи йил
бўйи ҳамроҳингиз бўлсин.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз аёллар!

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkanol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonada nashr etilgan. 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338
17660
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:35
Toshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Faxriddin PARPIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5